ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИНГ ИСЛОМШУНОСЛИК РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА В РАЗВИТИИ ИСЛАМОВЕДИЯ

THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES

Калит сўзлар: *Ўзбекистон халқаро ислом академияси, диний таълим, диний-маърифий соҳа, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фиқҳ, ақида.*

Ключевые слова: *Международная исламская академия Узбекистана, религиозное образование, религиозно-просветительская сфера, корановедение, хадисоведение, фикх, теология.*

Key words: *International Islamic Academy of Uzbekistan, religious education, religious and spiritual sphere, Qur'an studies, Hadith studies, fiqh, theology.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида, айниқса, сўнгги икки йилда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида тубдан янгиланишлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимизда диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар таҳсинга лойиқ. Буни аждодларимизнинг бой миллий-маънавий меросини, хусусан, миллий қадриятларимиз даражасига кўтарилган қўлёзма меросимизни ўрганиш борасида яққол кўриш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон ислом дини, таълимоти ва маданиятини дунёга ёйган қадимий юрт ҳисобланади. Юртимиздан жаҳон фани ва маданиятига ўзининг серқирра илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиққан. Уларнинг нодир қўлёзма асарлари дунёнинг турли мамлакатлари фондларига тарқалган ва ҳозирда ўша фондларнинг кўрки даражасидаги маънавий бойлигига айланган.

Юртимизда мустақилликдан сўнг диншунослик, исломшуносликка ёндашув тубдан, кескин ўзгарди. Ушбу янгиланиш, ўзгаришга Республикамиз Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг олиб борган ҳар томонлама оқил сиёсати, шахсан у кишининг ислом дини ва қадриятларига, шунингдек, ислом маданияти билан узвий боғлиқ бўлган маданий, маънавий меросимиз дурдоналарига бўлган эътиборлари туртки бўлди. Шу боис, диншунослик, исломшуносликка тўлақонли илмий соҳа сифатида қарала бошланди, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмунда умумлаштирилган илмий ёндашув шакллана бошлади. Ушбу соҳаларни илмий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун биринчи навбатда асл манбаларни ҳозирги замон ўзбек тилида, замондошларимиз тушунадиган тарзда нашр этилиши лозим эди. Қуръони карим матнининг ўзбекча изоҳли таржимасининг яратилиши исломшунослик, хусусан, қуръоншунослик фанининг сезиларли ютуқларидан бўлди[1]. Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган ушбу таржима аждодларимиз ҳамда ҳозирги кунда биз эътиқод қилиб келаётган ислом дини таълимоти асосларини тўлақонли англашга хизмат қилади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар бугунги кунда жадал давом этмоқда. Бунинг таъкиди сифатида Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилаётган Қуръони каримнинг янги тўлдирилган изоҳли таржимасини келтириш мумкин. 2018 йил ушбу изоҳли таржиманинг янги нашри амалга оширилди. Исломшуносликнинг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бири Қуръон мавзулари ҳисобланади. Бу мавзулар қадимдан у ёки бу кўринишларда адабиёт, илму фаннинг турли соҳаларига оид асарларда ўз аксини топган.

Шунингдек, кейинги йилларда исломшуносликка оид кўплаб манбалар ўзбек тилида нашр этилди. Улар сирасига Имом Бухорийнинг 16 йиллик меҳнати самараси бўлган, Қуръондан кейинги мўътабар, ишончли манба ҳисобланмиш «Саҳиҳ» ҳадислар тўпламининг 4 жилдли ҳамда 2 жилдли, Имом Термизий «Сунан»ининг I жилди, ҳанафий мазҳаби ҳуқуқшунослигининг асосий манбаси Бурҳонуддин Марғиноний «Ҳидоя»синиг I жилди ҳамда шариат қонунларига қисқача шарҳ тарзида битилган «Мухтасар» китоби, исломшунослик, дунё динлари тарихига бағишланган қатор асарларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида исломшунослик соҳаларида тубдан сифат ўзгаришлари амалга ошмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармон ушбу сифат ўзгаришларига тамал тошини қўйди. Ушбу фармонга мувофиқ дастлаб Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази сифатида фаолият олиб борган илм маскани илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказига айлантирилди. Бу муҳим фармон Академияда ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга бўлган юқори

малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бирга исломшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб беради.

Марказга исломшунослик илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, аждодларимизнинг бой диний, илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги шароитда исломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий, амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шунингдек дин билан боғлиқ замонавий тадқиқотларни амалга ошириш юклатилган[2].

Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- аждодларимиз бой диний илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар натижаларини жамлаш ва умумлаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш;
- жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги кўпдинлилик шароитида дунёнинг турли минтақаси ва мамлакатимиздаги ислом динининг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожлантириш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш;
- узлуксиз таълим тизими ҳамда кенг жамоатчилик учун диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси бўйича илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш ҳамда уларни нашр этиш;
- хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хориждан шу соҳанинг етук мутахассис-ўқитувчиларини жалб қилиш.

Ўтган давр мобайнида бу илмий маскан республикада олиб борилаётган диншунослик, исломшунослик соҳаларига оид тадқиқотларнинг том маънодаги марказига айланди. Ҳозирда марказ ўз фаолиятини фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар грантлари асосида амалга оширмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида ислом манбашунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган беназир алломалар ҳаёти ва уларнинг илмий меросини тўлиқ аниқлаш, уларни илмий тавсиф ҳамда таҳлил қилиш

Ўзбекистонда исломшунослик соҳаси ривожига катта эътибор берилмоқда. Халқаро йирик илмий марказлар, янги диний таълим масканларининг очилиши соҳа ривожидаги ижобий ўзгаришларга ишора қилади. Айниқса, Тошкент ислом университети негизида ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам исломшунослик ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бакалавриатда исломшунослик, магистратурада қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фиқҳ, ақида мутахассисликлари, докторантурада исломшунослик ихтисослигининг очилиши соҳадаги катта ўзгаришларни кўрсатади.

В Узбекистане уделяется большое внимание развитию исламоведения. Открытие крупных международных научно-исследовательских центров и религиозных учебных заведений указывает на положительные преобразования в этой области. Особенно созданная Международная исламская академия Узбекистана на базе Ташкентского исламского университета вносит большой вклад на развитие исламоведения. Открытие в бакалавриате направления исламоведение, в магистратуре специальностей корановедения, хадисоведения, фикх, теология, в докторантуре специальности исламоведение показывает больших сдвигов в этой области.

It gives more attention to the development of Islamic studies In Uzbekistan. Opening the major international research centers and religious schools indicates a positive transformation in this sphere. Especially, on the basis of the Tashkent Islamic University established International Islamic Academy of Uzbekistan makes a great contribution to the development of Islamic studies. Opening the bachelor's degree and doctoral studies in Islamic studies, in the master's degree the specialties of Koran, Hadith, fiqh, theology indicates enormous impact in this area.

асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Яқин ўтмишда ўрганилишига рухсат этилмаган Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Муъин Насафий, Ҳаким Термизий, Низомиддин Шоший, Имом Доримий каби юзлаб олимларнинг илмий лабораторияси аниқланди ва уларга оид илмий тадқиқотлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Булар сирасига Абу Мансур Мотуридийнинг «Китабу-т-тавҳид», Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомот», «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-с-ахёр», «Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз вал-хутаб», Имом Доримийнинг «Сунан», Абу Муъин Насафийнинг «Табсирату-л-адилла», Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул», Абу-л-Баракот Насафийнинг «Мадорику-т-танзил», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид», «Китабу-л-қанд», Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Аловуддин

Самарқандийнинг «Туҳфату-л-фуқаҳо», Аловуддин Бухорийнинг «Ҳайрату-л-фуқаҳо», Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фиққи Кайдоний», Бурҳонуддин Бухорийнинг «Муҳит» каби асарининг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар киради.

Илмий изланишларнинг каттагина қисмини Қуръони карим ва унинг тафсирларига бағишланган тадқиқотлар ташкил этади. Бу йўналишда Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржима ва тафсири билан бир қаторда уларнинг илмий таҳлили ҳам амалга оширилмоқда. «Қуръон, тафсир ва муфассирлар», «Қуръон оятларининг мазмуний мундарижаси ва унинг маънавий аҳамияти», «Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳру-л-улум» тафсири ва унинг Мовароуннаҳр маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни» мавзуларидаги тадқиқотлар асл манбаларга таянганлиги билан ажралиб туради.

Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий номидаги ҳадис илмий мактабининг очилиши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Кашфу-л-осор» асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг «Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», «Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)», «Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган тадқиқотлар ҳам каттагина ҳажмни ташкил этади. «Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожида Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва «Туҳфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг «Жомиу-с-саҳиҳ» асаридаги фиқҳий масалалар», «Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фиқҳ илми тарихида тутган ўрни», «Абу Зайд Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фиқҳ илми ривожида тутган ўрни», «Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг «Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни», «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», «Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фиққи Кайдоний» асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар таҳлили», «Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба», «X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар», «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фиқҳи». «Аловуддин Бухорий «Ҳайрату-л-фуқаҳо» асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни» мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади.

Илмий аҳамияти билан бир қаторда муҳим амалий қимматга эга бўлган тадқиқотлар ҳам талайгина. Ислом манбалари асосида атама ва иборалар-нинг энциклопедик луғатини яратиш ҳам шундай тадқиқотлардан ҳисобланади. Маълумки, шу вақтга қадар яратилган ислом луғатлари бирёқлама ёндашув асосида ёзилган. Мазкур луғатга эса мингга яқин истилоҳлар киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Мовароуннаҳр маънавий муҳитга оид[3].

Дунё эътироф этган ислом цивилизацияси маркази мақомига эга юртимизнинг минглаб алломалари, улар яратган бой илмий маънавий мерос ҳақида маълумот бериш, уни дунёга танитиш жараёнида энциклопедияларнинг ўрни катта. Ушбу соҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар сифатида «Ислом энциклопедияси»нинг яратилиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 2018 – 2028 йиллар мобайнида энциклопедиянинг 50 мингдан ортиқ мақола, безак материаллари, харита ва чизмалар киритилган 20 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. 2019 йили энциклопедиянинг биринчи жилдини нашр этиш мўлжалланган. Энциклопедияни нашрга тайёрлаш жараёнига юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, диний уламолари жалб этилган. Яратилажак «Ислом энциклопедияси» ўзининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бошқа шу соҳадаги энциклопедиялардан тубдан фарқ қилади. Унда айниқса юртимиз алломалари, уларнинг ислом цивилизациясига муносиб улуш бўлиб қўшилган нодир асарлари, шарҳлари, ватанимиздаги ислом маданияти обидалари, муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини ёритишга алоҳида урғу берилади.

Илмий тадқиқотларнинг катта қисми замонавий характерга эга бўлиб, улар диний бағрикенглик, диний оқимлар, динларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, давлат ва дин масалаларига бағишланган. Замонавий тадқиқотлар доирасида «Дин психологияси» номли ўқув қўлланма, «Исломшунослик» қомусий луғати, «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Тасаввуф атамалари» изоҳли луғати, «Диний бағрикенглик ижтимоий-психологик феномен сифатида», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Жаҳолатга қарши маърифат» каби ўнлаб китоблар нашр этилган.

Тадқиқотлардаги концептуал хулосалар, назарий ва амалий ишланмалар, чоп этилган нашр ишларидан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш, мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсадини фош этишга қаратилган самарали усул-услубларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув семинар, давра суҳбатларини ўтказиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллеж, академик лицейлар ва халқ таълими мактабларида «Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари», «Диншунослик асослари», «Дунё динлари тарихи» фанларини ўқитишда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ўқув билим юртларининг ўқув жараёнида, шунингдек Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом тарихи», «Қуръоншунослик», «Ҳадисшунослик», «Тасаввуф», «Ислом ва ҳозирги замон», «Динлардаги оқимлар ва секталар», «Ахборот истеъмоли маданияти», «Ислом манбашунослиги», «Дин фалсафаси», «Дин социопсихологияси», «Дин психологияси» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилмоқда.

Умуман, исломшуносликка бағишланган тадқиқотлар ўзининг илмий-назарий асослари, асл манбаларнинг истифода этилиши, холислиги билан ажралиб туради ва улар жамиятда баркамол шахсларни шакллантириш, комил инсон сифатида тарбия топишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда исломшуносликнинг илмий, назарий асосларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган муҳим ишларнинг маълум қисми диссертацияларда ўз аксини топади. Жумладан, биринчи марта олий малакали илмий кадрлар рўйхатига янги 24 рақами билан «Исломшунослик» мутахассислиги киритилди. Ушбу мутахассислик таркибига «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Қуръоншунослик, ҳадисшунослик», «Фиқҳ, калом илми ва илоҳиёт», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» ихтисосликлари киритилган ва юқоридаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгаш очилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборган. Илмий кенгашда исломшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар натижасида шаклланган диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Қисқа муддатда кенгашда 5 та фалсафа доктори ва 5 та фан доктори диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. Мазкур соҳаларга тайёргарлик босқичи сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида докторантура очилган ва ҳозирда 32 нафар докторант таълим олмоқда.

Юртимиздаги ислоҳотлар натижасида диншунослик, исломшунослик соҳаси янада юқорироқ ривожланиш палласига ўтди. У нафақат республикамиз, балки халқаро нуфуз доирасига кириб бормоқда. Жумладан, Академияда жаҳонда маданиятлараро, динлараро мулоқот соҳасидаги ҳамкорликни ҳамда ўзаро илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси очилди.

Академияда ISESCO (Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти) махсус кафедраси ҳам фаолият юритади. У 2017 йилнинг 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлаган. 2017 йилнинг 22–25 май кунлари Ўзбекистон делегацияси ISESCO Бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Работ шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб, «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедрасини ташкил этиш юзасидан Англашув меморандумини имзолади. Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқитишдан иборат.

Академияга халқаро мақом берилганлиги муносабати билан ўтган қисқа муддат ичида Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркиянинг Ибн Халдун, Истанбул Займ, Салжуқ, Кастамону, Индонезиянинг Жакарта Саҳид университетлари, шунингдек Буюк Брита-

ния, Қозоғистон давлатлари олий таълим муассасалари ва марказлари билан тўққизта Англашув меморандуми имзоланди ва ҳозирда улар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Академияга 2018 йилнинг иккинчи ярмида Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё қитъаларининг 20 та давлатидан ташриф ва мурожаатлар амалга оширилди. Айниқса, Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Аҳмад ат-Тойиб бошчилигидаги делегация, Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажжар бошчилигидаги делегациянинг ташрифлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари томонидан ўндан зиёд мамлакатга йигирмага яқин хорижий илмий сафарлар ташкил этилди. 2018–2019 ўқув йилидан Академияга 5 нафар хорижий талаба ўқишга қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳужжатлари асосида хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш ҳамда чет эллик профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди. Шунингдек, Академия докторантурасига ҳам хорижлик талабаларни қабул қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси жамоаси Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш устида ишламоқда. Республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш, ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш, малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, Академия мутахассисларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга малака ошириш ҳамда тажриба орттириш учун юбориш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5416-сонли Фармони.

3. Исломшунослик қомусий луғати. «Movarounnahr» нашриёти. 1 жилд. Тошкент. 2013; 2 жилд. Тошкент. 2014.

Zohidjon ISLOMOV,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi prorektori